



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 32 (10.085)

2004 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Яққасарой туманида жойлашган «Конституция» маҳалла гузарига туман ҳокимилиги, туман «Оила» маркази ҳамда Тошкент шаҳар «Оила» маркази ҳамкорликларида ташкил этилган давра суҳбати «Меҳр оиладан бошланади» деб номланди.

● «**ЭКОСАН**» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Ўзбекистон Фанлар академиясининг Эндокринология институтида Меҳр ва мурувват йилига Давлат дастури доирасида учрашув ҳамда мурувват тадбирини ўтказди. Унда қанд шакли диабет билан оғирган беморларга ўрин-кўрпа анжомлари, «Полисепт» дезинфекциялаш воситасидан иборат умумий хаймати бир миллион сўмлик хайрия ёрдами топширилди.

● «**СОҒЛОМ**» авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан 2-мурувват уйда уюштирилган хайрия тадбири ва концерт Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликларида буюк аллома Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 521 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда ёзувчилар, шоирлар, талабалар иштирок этишди.

● **БАДИИЙ** академиянинг марказий кўرғазмалар залида истеъдодли рассом Азамат Хотамов яратган асарлар кўрғазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИ — БОШ ОМИЛ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2003 йилда пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидagi асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ислохотлар ва эркинлаштириш жараёни изчил олиб борилгани боис макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди. 2003 йилда ривожланишнинг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар давом эттирилди. Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари маромида таъминланиши билан бирга айрим соҳаларда сифат жиҳатидан кўрсаткичларнинг юксалгани кузатилди. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш тарзининг ошиши, шунингдек мамлакатнинг бош шаҳри кўринишида ўз аксини топди.

Жумладан, 2003 йил якунлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган даврга нисбатан 4,4 фоизга ошди. Бу борада хусусий секторнинг улуши 1,5 баробарга ўсган бўлса, аҳолининг реал даромадлари ҳам анча юқорилагани кузатилди.

Иқтисодиётнинг барча муҳим тармоқлари ривожланиши кўрсаткичларига қараганда, ҳисобот даврида санаятда ишлаб чиқаришнинг ҳажми 12,5 фоизга кўп бўлган, айниқса ижобий ривожланиш машина-созлик соҳаси, шиша ва чинни-сопол ишлаб чиқаришга ва энгил санаятга тааллуқли бўлди. Ушбу тармоқларнинг улуши ўрта

ҳисобда 20-30 фоизга тенг бўлди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати 2,7 фоиз юқорилади. Янги турдаги мебель жиҳозлари, лок-бўёқ, кийим-кечак, фармацевтика воситалари, заргарлик, маийший электр жиҳозлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Иқтисодиёт ривожланишида, миллий валюта мустақамланишида ташқи иқтисодий фаолият алоҳида ўрин тутди. Бу йўналишда сезиларли ижобий кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, ўсиш суръати 119 фоизга тенг бўлди. Таъкидлаш жоизки, импорт даражаси сифат кўринишида анча ўзгарди. Асосий эътибор устувор тармоқларни замонавийлаштириш ва янги технологиялар жорий этилишига қаратилди. Мағаллий тарзда экспортга йўналтирилган, импорт ўринини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида ўтган даврда импорт ҳисобиغا келтирилган дастгоҳ ва ускуналар ҳажми 24 фоизга кўп бўлди.

Сармоялар киритиш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар юзга келди. Уларнинг умумий ҳажми 6,8 фоизга ошган бўлиб, 446,6 миллиард сўмга тенг бўлди. Бунда хорижий инвестици-

ялар улуши 3,8 баробар, тўғридан тўғри инвестициялар — 2,9 баробарга ошди.

2003 йилда Тошкентнинг пойтахт шаҳри номига мос ва хос бўлишига бевосита тааллуқли бир нечта йirik лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, жаҳон андозаларига муносиб равишда 4 та меҳмонхона мажмуаси қайта таъмирланди ва барпо этилди. Ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий ва экологик аҳамиятга эга стратегик масала ҳал этилишига йўналтирилган Кичик ҳалқа йўлининг учинчи босқичи фойдаланишга топширилди. Аҳолига жамоат транспорти хизмати кўрсатишда қулайликларни янада кучайтириш мақсадида хорижий инвестициялар ҳисобидан қўшимча 300 та «Мерседес» русумли автобуслар келтирилди. Германия ва австриялик шериклар билан тузилган янги «Пашал» ва «Деск-инвест» қўшма корхоналари шаҳар, шунингдек мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Молиялаштиришнинг турли манбалари эвазига 299,2 минг квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилган бўлса, ҳисобот даврига режалаштирилган 792 та кўп қаватли уйларнинг барчаси тубдан таъмирдан чиқарилди.

Давоми 2-бетда.

ХХҲ саҳоси

Барча маълумотлар олинган сўғги хабарлар

Мамлакатимизда

● Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотлар боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг 2003 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайбат мажлиси ўтказилди.

● Тошкентда Марказий Осиёда Германия машинасозлик корхоналари уюшмаси бюроси томонидан «Ўзавтоўй» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган Германиянинг «Sennebogen Maschinenfabrik GmbH» компаниясининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилоят кенгашида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

● Тошкент вилояти, Қибрай туманида халқ қўшқларини ижро этувчи мактаб ўқувчилари ўртасида «Менинг мамлакатим мусиқаси» республика танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

● «Намангондонмаҳсулот» акциядорлик уюшмасининг бош корхонаси жорий йилдан бошлаб бугдого ва уни маҳсулотини хорижга экспорт қила бошлади.

Жаҳонда

● БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Кипр муаммосини баргараф этиш борасидаги музокараларнинг учинчи босқичи самарали якунланди. Мазкур оролининг май ойида Европа Иттифоқига кириши мўлжалланмоқда.

● Жазоирда бўлиб ўтган нефть экспорти бўйича мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) анжуманида кунлик нефть қазиб чиқариш микдорини камайтириш масаласи муҳокама қилинди. Мазмулотларга кўра анжуман иштирокчилари 1 апрелдан нефть қазиб чиқариш ҳажмини 1 миллион баррелга камайтиришга келишишган.

● Туркия ва Греция соҳилларида кучли қорбўрон туфайли жиддий вазият вужудга келди. Хусусан, ҳар иккала мамлакатнинг Қора ва Мармар денгизлари соҳиллари бўйидаги шаҳарларида қатор ҳаво рейслари бекор қилинган.

● Гаитидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Бу ерда рўй берган тартибсизликлар туфайли 50 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Ингушетияда гаройиб тўй бўлиб ўтди. Куёв бўлимининг ёши 104 га етган бўлса, турмуш ўртоғи ундан атиги 32 ёш кичикдир.



Шахримиздаги «Кобул-Ўзбек» қўшма корхонасида ғайратли, ўз ишига талабчан йигит-қизлар меҳнат қилишди. Уларнинг хорижий линияларда ишлаб чиқараётган юксак сифатли ип-калава маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз ўринини топган.

СУРАТДА: Орзу Ғиёсова ва Розия Қолдибоевалар корхонанинг илгор тўқувчиларидан ҳисобланади.

МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

«Маҳалла» хайрия жамғармасида оммавий ахборот воситалари учун брифинг бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир 2003 йил ноябрь ва декабрь ойларида маҳаллаларда фуқаролар йиғини раислигига (оқсоқол) ўтказилган сайлов натижаларига бағишланди.

«Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадоӣбоев мамлакатимиздаги маҳаллалар фаолияти ҳақида сўзлади. Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда муҳим демократик институтлардан бири бўлган маҳалланинг аҳамияти катта. Маҳалла жамиятининг бир бўғини сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилади.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 9789 маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органидан 8203 тасини

маҳаллалар ташкил этади. Ўтган йил ноябрь ва декабрь ойларидаги фуқаролар йиғини раислигига бўлган сайловда 8360 оқсоқол ва уларнинг 80 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов мамлакатимизда маҳалла оқсоқолларини сайлаш жараёни ҳақида гапирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдиджон Исмоилов иштирок этди.

Н.ЎЛЖАБОВ
ЎЗА

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИ — БОШ ОМИЛ

Давоми. Боши 1-бетда.

Шубҳасиз, бу ютуқларнинг бари пойтахтнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги мажмууви таъминлишида умумий ҳисса ҳисобланади. Шу билан бирга, фаоллар йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, ислохотлар жараёнида, хусусан таркибий ўзгаришларда юзага келган айрим хато ва камчиликлар баъзи тармоқларнинг яқини натижаларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Шунини айтиш мумкин, ўтган 12 йил давомида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатини изчил ва тўғри юритиш борасида қонуний ва метёрий негиз шаклланишига қарамасдан, ушбу йўналишда муаммолардан ташқари, иқтисодиётни ислох қилишдаги бу муҳим босқичда сунъий тўсиқлар хануз мавжуд бўлмоқда. Бугунги кунда, сир эмас, акциядорлик жамиятлари қўпчилигининг молиявий-иқтисодий фаолиятини қонқарли деб бўлмайди. Шундай бўлсада, 2003 йилда ҳисобот йиғилишлари ўтказилган 443 та акциядорлик жамиятларининг фақат 8 фоизидан янги бошқарув раислари сайланган.

Тахлилларга кўра, ушбу корхоналарни асосан катта ёшдаги раҳбарлар бошқаради, шу сабабли ҳам уларнинг аксарияти учун психологик жиҳатдан хануз мураккаб бозор шароитларига мослашиш жараёни оғир кечмоқда. Бу эса ўз навбатида хўжалик субъектларининг ночор ҳолда, зарар билан ишлашига, катта ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланилмаслиги эса пировардида ҳиссадорларнинг қимматли қўғозлар бўйича оладиган даромадлари ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида 424 та давлат улуши бор корхонанинг 207 таси 69,9 миллиард сўм соф фойда билан чиққан, аммо шундай бўлса ҳам фақат 134 таси фойдадан дивиденд тўлаган. Ҳиссадорлари олдида ўз мажбуриятларини бажармаган корхоналар қаторига «Тошмаргё», «Тошкент тўқимачилик комбинати», «Ўзбекқозғи», «Технофарм» акциядорлик жамиятларини киритиш мумкин.

Ҳисобот даври якунига зарар билан чиққани боис «Осиё фуд», «Ўзметаллсавдо», «Тошсуг», «Ўзжихоз-бутлаш», «Акмал Икромов савдо» акциядорлик жамиятлари бўйича ҳам ҳиссадорларнинг дивиденд кутишлари бефойда.

Шу каби корхоналарнинг давлат улушидаги қимматли қўғозлари бугунги кунда очик савдода самарали сотилишига албатта ҳеч қандай қафолат йўқдир. Шу кунгача 60 га яқин корхона ва ташкилотларнинг акциялари фонд биржаларида сотилиши таъминланмагани, 27 та ҳиссадорлик жамиятининг валюта ҳисобидоғи активлари эгасиз қолаётгани фикримиз далилидир. Шу ўринда «Тошкент отчопари», «Ўзавторантехника», «Тошмарнер» корхоналарининг қимматли қўғозларига бир неча йилдан буён талаб бўлмаётгани ҳам кишини хавотирга солиши табиийдир. Фаоллар йиғилишида капитал қурилишидаги ислохотлар жараёни ҳам кескин танқид остига олинди. Иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоғида ўзгаришлар юзага келган бўлса-да, аммо уларни бозор шароитига мос дейишга ҳали вақт бор чоғи. Турли мулкчилик шаклида фаолият олиб бораётган қурилиш ташкилотларининг бозор муносабатларининг мураккаб шароитида ўз муносиб ўрнини топишга ҳаракатлари ханузгача зое кетмоқда. Қолаверса, таҳлиллар шунки кўрсатадики, ҳисобот даврида зарар кўриб ишлаган субъектларнинг аксарияти капитал қурилиш тузилмаларига тўғри келади.

Лойиҳа институтлари ҳам бу борада хануз эски тизимда, бозор иқтисодиётга амал қилмаган ҳолда фаолият юритаётгани ачинарли ҳолдир. Қизиғи шундаки, шу кунгача улардан фақат бештаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги тегишли қарорини қабул қилинганидан сўнг янги мулкчилик шаклида фаолият юритишни бош-

лади. Лекин, афсуски уларнинг ҳам лойиҳалаш ишлари бозоридоғи улуши сезиларли эмас.

Фаоллар йиғилишида хўжалик субъектларининг иқтисодий жиҳатдан ночор ва зарар кўриб ишлаши танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Бу борада корхоналар ўртасида тузилаётган шартномавий мажбуриятлар, уларнинг тўлиқ бажарилишида йўл қўйилаётган юридик ва ҳуқуқий камчиликлар, раҳбарларнинг дебиторлардан қарзларини вақтида ундириши, шу жумладан суд органлари орқали ундириши фаол бўлмаётгани асосий сабаблардан деб кўрсатиб ўтилди. Жорий йилнинг бошига 2079 та корхонанинг дебитор қарзи 197,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу ҳисобот даврининг январь ойига қадар 80 фоизга ошганидан далolat беради. Айни пайтда энг катта дебитор қарзлари бўлган корхоналар қаторига «Шакар инвестмент» (11 миллиард сўм), ЎзБАТ (7 миллиард сўм) қўша корхоналари, «Ўзмарказимпекс» (3,6 миллиард сўм) акциядорлик жамияти киради. Шунга қарамасдан қайд этилган корхоналарнинг раҳбарлари хўжалик суди идораларига даъво аризалари билан мурожаат қилишига ҳозирлик кўришга ошқинмаётган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Адлия бошқармаси маълумотида кўра, таҳлилдан ўтказилган 18 мингдан зиёд шартномавий ҳужжатларнинг 15 фоизи қонунчиликка зид равишда тузилгани аниқланган. Бу эса кам эмас, кўп эмас 50 миллиард сўмни ташкил қилади.

Корхоналар қарзлари солиқ тўловларининг вақтида тушишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Умумий олганда ҳисобот даврида бюджетга тушумлар тўлиқ таъминланган, аммо қарама-қарши бошқа кўрсаткич борки, у ҳам бўлса корхоналарнинг 33 миллиард сўмга тенг боқимандалиги. Бир қараганда айбдорларни узоқдан излашининг зарурати йўқ — қўпчилик хўжалик субъектларининг ўзи бунга дахлдордир дейиш ўринли. Аммо шаҳар фаоллари йиғилишида бу борада туман ҳокимликлари, суд ва солиқ органларининг фаолияти танқидга олинди, улар томонидан боқимандаликни қисқартириш бўйича ҳаракатларида ҳар доим ҳам ҳолисона ва тўғри ёндашув сезилмаётгани қайд этилди. Айниқса хатловга тушган корхоналарнинг мол-мулкни баҳолаш жараёнида баъзи ваколатли мутасаддилар томонидан шахсий манфаатини кўзлаб талаб юқори бўлган мулкни арзимас нархга пуллаб, асл вазиятдан чалғитишга уринишлар бўлмоқда.

Ҳисобот йилида пул-кредит сиёсати изчил олиб борилишидан қатъи назар иш ҳақи бўйича қарздорлик кўрсаткичлари ҳам пасайгани сезилмади. Ўтган вақт ичида бундай корхоналар сони 22 тага кўпайиб, уларнинг қарзлари 69,9 фоизга ошган. Умуман йил бўйича 222 та корхонанинг иш ҳақи бўйича қарзлари 7,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу рақамлар, кўриб турганимиздек, кам эмас, шу боисдан ҳам бундай ҳолат тегишли хўжалик субъектлари ишчи-хизматчиларининг ҳаққоний эътирозларини келтириб чиқармоқда. Ушбу йўналишдаги ишларда хануз қонқарли даражага эришилмаганига бевосита фаолияти самарасиз бўлиб қолаётган жойлардаги тегишли комиссиялар ҳам дахлдордир. Шунини ҳисобга олган ҳолда йиғилишда тегишли комиссияларга ўз фаолиятини ваколати ва юклатилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юритиши, айниқса биринчи навбатда ҳар бир муҳокама қилинаётган субъект бўйича ҳақиқий ҳолатни ҳолисона баҳолаш лозимлиги ўқтириб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида жорий йилда амалга оширилаётган долзарб масалалар ичида асосий эътиборни ҳисобот даврида қутилган даражага эришилмаган иқтисодиёт тузилмаларига қаратиш зарурлиги таъкидланди. Шу жумладан устувор ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Жорий йилнинг 1 январига

қадар шаҳарда 26630 та тадбиркорлик тузилмалари қайд этилган. Аммо улардан 27 фоизи фаолият юритмаслиги ачинарли ҳолдир. Қолаверса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда тадбиркорларнинг улуши 35,3 фоизни ташкил этаётгани ҳам, ўз навбатида ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига тўлдириш масаласига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ўтган вақт давомида атиги 201 янги номдаги истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган, ички бозор эса истеъмолчиларни асосан сифат жиҳатидан унча қониқтирмайдиган импорт моллари билан қаноатлантирмоқда. Муқобил танлаш имконияти бўлмагани сабабли ҳам харидорлар бундай махсулотларни сотиб олишга мажбур бўлиб қолмоқдалар.

Иқтисодий қўрсаткичларнинг бари ижтимоий соҳанинг ривожланиши даражасида ўз ақсини топиши шубҳасиз. Ижтимоий соҳа деганда эса авваламбор аҳолининг турмуш даражаси тушунилади. Ҳисобот даврида иқтисодиётдаги каби ижтимоий тузилмаларда ҳам ислохотлар давом эттирилди. Маълумки, айни пайтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи татбиқ этилиши давом этмоқда. Лекин халқ таълимида, ўрта махсус ва олий таълим соҳасидаги нафақат ўқув жараёнидаги вазият, балки умумий олганда ривожланиш ҳаракатлари қониқтиради дея олиш мумкинми? Ушбу масала ҳам шаҳар фаоллари йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Айрим юртларнинг моддий-техник негизи бугунги кун талабига умуман жавоб бермаслигини инобатга олган ҳолда тегишли ўқув юртларининг фаолияти танқидий баҳоланди. Бундай вазият юзага келишига фақат мутасаддилар жавобгар дейиш нотўғри албатта. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, раҳбарлик маъсулиятини ўз зиммасига олган ҳар бир мансабдор шахс том маънода жавобгарлики ҳам ўз бўйинга олиши, қолаверса тан олиши ҳам керакдир. Бу шунчаки балеандарвоз гаплар эмас, бунинг мағзида фарздандаримиз, келажакки буюк давлатнинг пойдевори ҳисобланмиш ўсиб келаётган авлод қамоли ётади.

Йиғилишда шунингдек, Меҳр ва мурувват йили бўйича вазифалар хусусида ҳам гап борди. Бу борада асосий эътибор барча белгиланган чора-тадбирлар манзилли амалга оширилиши, уларнинг таъсир доираси ҳар бир инсон, айниқса ўзгалар кўмаги ва мададида муҳтож бўлганларга етиб бориши зарурлигига қаратилди.


Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳисобот йилининг якунларига ҳулоса чиқариб, келажакдаги устувор вазифаларни белгилаш билан бирга эзгу мақсадларимизда янада юқори чўққиларга ҳар бир инсон қалбан Ўзбекистон келажак қандай бўлади деган савол билан яшасани эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтганди. Шаҳар фаоллар йиғилиши давомида Юртбошимизнинг «чуқур маънога эга ушбу фикрларига бир неча бор эътибор қаратилиб, бу борада катта маъсулият авваламбор раҳбарларга юклатилаётганлиги, шу билан бирга улар ўз фаолияти давомида нафақат мансабдор шахс сифатида, балки биринчи навбатда фуқаро нуқтаи назаридан иш юритсагина, атрофдагилар ҳам шунга яраша муносабат билдириши эътироф этилиб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Кун тартибидоғи асосий масалалар юзасидан муҳокамаларда Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов, давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев, Адлия бошқармаси бошлиғи Қозим Қомиллов, Худудий коммунал фойдаланиш бошқармаси бош директори Гаппор Норматов ва Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров сўзга чиқди.

Шаҳар фаоллари йиғилишида барча қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Грузия Президенти Михаил Саакашвили парламентга мамлакат бош вазири Зураб Жвания давлат хавфсизлиги вазирлиги эса айни пайтда Грузия адлия вазири лавозимига ишлаётган Зураб Адеишвилининг номзодини тақлиф этди. Шунингдек, Саакашвили мамлакатда Президент ва ҳукумат маъмуриятлари ҳам ташкил этилаётганини маълум қилди.

● Гаитининг Фарбий ва Шимолий худудларида давом этаётган қуролли кўзғолонлар мамлакатнинг 11 та шахрини қамраб олди. Айни пайтда мамлакат Президенти Жан Бертран Аристидга қарши ҳужумлар ҳамда тарафдорлар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 42 киши ҳалок бўлган.

● Қозғистондаги Қизил Ўрда шаҳри яқинидаги дарёда сув кўпайиши натижасида химоя тўғонлари бузилиб кетди. Сув тошган худудлардан 625 киши кўчирилган. Бу ҳақда мамлакат сув хўжалиги вазирлиги қошидаги сув ресурслари кўмитаси раиси Анатолий Рязцев маълум қилди.

● Бундан бир неча кун илгари Франция парламенти жамоат жойлар ва ўқув муассасаларида диний кийимларни кийишни тақиқловчи янги қонунни муҳокамага кўйган эди. Францияликларнинг 60 фоизи бу қонунни қўллаб-қувватлашган эди. Лекин бундай қонунга ўз норозиликларини билдириб, кўчаларда динга эътиқод этувчилар оммаси намойиш қилишмоқда. Шундай намойишларни Париж шаҳрида кўп сонли ислом дини вакиллари ҳам амалга оширишди.

● CNN ахборот агентлигининг берган хабарларига кўра, Марсда экспедиция олиб бораётган ўзи юрар робот аппарат рекорд ўрнатган. У «қизил сайёра» устки қисмида бир кунда 21 метр масофани босиб ўтишга муваффақ бўлган.

● Афғонистон ҳукумати мамлакатда гиёванд моддаларининг қонунчи савдосига қарши курашишга бағишланган халқаро конференция ўтказди. Айни пайтда афғон ҳукумати вакили шу масалада Буюк Британия ҳукуматига мурожаат қилди. Вакилнинг айтишича, мамлакатда гиёванд моддалар савдосига қарши етарлича кураш олиб бориш учун камида 300 миллион АҚШ доллари зарур бўлади.

● Ироқ пойтахти Бағдод атрофида кетма-кет содир этилаётган терактлар оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони юздан ошиб кетган. «Франспресс» ахборот агентлигининг тарқатган маълумотида кўра, Ал Мусона аэропорти ўрнида жойлашган Америка ҳарбий базасида портлаш содир этилган.

«Тошкент» халқаро аэропорти маҳаллий йўналишга хизмат кўрсатиш терминали қайта таъмирланганидан сўнг, яъни 1997 йил 15 февралдан ўз иштини бошлади. Биз терминал фаолияти билан яқиндан танишиш истагида маҳаллий ҳаво йўллари хизмати бўлими бошлиғи Акбарбек ТЕСАБЕКОВ-га мурожаат қилдик



Ўзбекистон ҳаво йўллари

ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИГА ДОИМО ШАЙ

— Бизнинг биномиз асосан югославиялик қурувчилар томонидан таъмирланган бўлиб, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада жиҳозлангандир,— дея сўз бошлади у. — Биномиз иккита залдан иборат, биринчи киришдаги зал йўловчиларни рўйхатга олиш ва юкни қабул қилиш залидир. Иккинчиси эса қисқа муддатда, ҳаво лайнерига чиқибдан олдин йўловчиларнинг ҳордиқ чиқаришларига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун эсдалик-сувенирлар дўкони, матбуот хизмати ҳамда овқатланиш хонаси, парвоздан олдин авиачиларни харид қилиш учун 3 та авиакасса, валюта алмаштириш шохобчаси, қатновларнинг жадвали тўғрисида маълумот олиш хоналари мавжуд. Фавқулодда ҳолатларда аэровокзал бошлиғи йўловчиларга яқиндан ёрдам кўрсатади.

— Маҳаллий йўналишда асосан қайси қатновларда йўловчилар кўпроқ?

— Ҳозирги кунда асосан Урганч қатновига йўловчиларимиз кўп бўлиб кунига 150 тага тўғри келади, бир кунда 16-18 қатновда 600-700 йўловчи манзилга жўнатилади. Уларга қулайликлар яратишда махсус техник асбоб-ускуналаримиз мавжуд бўлиб йўловчилар 6 та устунда рўйхатга олинади.

— Хорижлик йўловчилар ҳам маҳаллий йўналишларга парвоз қилишяптими?

— Албатта, чет эллик сайёҳлар учун алоҳида рўйхатга олиш устунлари бўлиб, улар асосан Италия, Япония, Америка ва Туркия фуқароларидир. Сайёҳлар диққатга сазовор ва машҳур етти иқлимга қадимий Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива шаҳарларига парвоз қилишади. Америкалик йўловчилар ичидан Қарши шаҳрига учаётганлар кўпроқ бўлиб, улар Бухоро, Урганч ва Термизга ҳам саёҳат қилиша-

ди. Авиация хавфсизлигини таъминлаш учун топширилган юклар «Хаймен» (юкларни текширувдан ўтказувчи машина) орқали текширилиб, назоратдан ўтказилади.

— Йўловчиларга қандай имтиёз ва чеғирмалар мавжуд?

— Йўловчилардан нафақахўрларга 30 фоиз, 12-29 ёшга бўлган йўловчилар учун 15 фоиз, талабалар учун декабрдан мартгача 30 фоиз ва 12 ёшгача бўлган йўловчиларга 50 фоиз чеғирмаларимиз мавжуд...

Бир сўз билан айтганда, биз тубдан таъмирланиб, замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатаётган «Тошкент» халқаро аэропорти маҳаллий йўналишга хизмат кўрсатиш терминалида йўловчилар учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилганидан ниҳоятда мамнун бўлдик.

Рисолат
РАҲМОНОВА
сўхбатлашди.

Маданият

НАШРИЁТЛАР ТАШАБУСИ

Республикамизда фаолият кўрсатаётган нашриётлар Меҳр ва муруват йили муносабати билан хайрли ишга қўл урдилар. «Адолат» нашриёти томонидан бошланган бу ташаббус ёшларнинг китобга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилди.

Нашриёт шахримиз маҳаллалари, чойхоналарида мўъжаз қироатхоналарни зарур адабиётлар билан таъминлаш саъй-ҳаракатини бошлаб берди. Бу аjoyиб ҳаракатнинг намунаси сифатида нашриёт ўзи чоп этаётган китоблардан талайгинасини зиё масканларига ажратди.

Бундан ўрнатилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти ҳам қатор тadbирларни белгилади. Жойларда янги очилган кутубхоналар китоб фондиди бойитиш мақсадида кўплаб илмий-оммабоп адабиётлар тортқ қилишди. Шунингдек «Янги аср авлоди» бирлашган нашриёти ҳам ҳиммат кўрсатди. Эндилкида бу каби нашрлар зиё масканлари ўқувчилари маънавий камолотида муҳим маърифий омил бўлиб хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Бектемир туманидаги 293-мактабда болалар шоирлари Турсунбой Адашбоев, Равшан Исоқов ва адабиётшунос олим Фулом Карим билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда 293-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Дастлаб мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Лола Исмоилова ўқувчиларни болалар шоирлари билан таништириб, шеърининг инсон ҳаётидаги ахамияти ҳақида гапириб ўтди.

Болалар шоири Турсунбой Адашбоев ўқувчиларга ўзининг болалик чоғлари, адабиётга бўлган қизиқиши ҳақида гапириб берди. Шоир Равшан Исоқов ўзининг янги шеърларидан ўқиган бўлса, адабиётшунос олим Фулом Карим адабиёт оламидаги янгиликлар ҳақида сўзлади.

Шеърхонлик кечаси узок давом этди. Адабий учрашув ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

Холида ИСКАНДАРОВА

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, давлат арбоби, атоқли саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган илмий, тарихий ва адабий мерос узок асрлар давомида халқимиз қалбидан ўрин олиб келмоқда.

ЎҚУВ МАСКАНИДА ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Мирзо Улуғбек туманидаги кўшимча таълим мажмуаси билан ҳамкорликда «Оила-мактаб-маҳалла» концепцияси асосида Усмон Носир номидаги 241- мактабда улуг мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига ва забардаст шоир, аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 521 йиллигига бағишланган шеърхонлик кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли болалар шоираси Умида Абдуазимова қатнашиб фазалнавис мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди ва ўқувчиларни ўз ижод намуналаридан баҳраманд этди. Мароқли ўтган тадбирда мактабнинг ёш иқтидорли қаламқаш ўқувчилари буюк шоирларнинг фазалларидан намуналарни ўқишди.

— Улуғ алломаларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган шу каби шеърят кечаларининг ўтказиб турилиши ёшларни ўтмиш меросимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва Истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади, — дейди мактаб директори Азиза Йўлдошева. — Айниқса буюк алломаларимиз ижодидан баҳраманд бўлиш ўқувчилар маънавиятини бойитишда муҳим омил бўлади. Зеро, фазалхонлик, шеърятга ошно кўнгиллар фақат эзгуликка йўғрилгандир.

Ширмоной АСРАНОВА

Санъат

БАДИИЙ СУРАТКАШЛИК АСАРЛАРИ

Таниқли мўйқалам устаси Турсунали Қўзиев бадийи фотография соҳасида ҳам барақали ижод қилиб келмоқда. Унинг бундай гоё таъсирли суратлари асосида кўرғазмалар ташкил этишга киришилди.

Ўзбекистон Бадийи академиясининг Тошкент фотография уйи томонидан уюштирилган кўрғазмалар «Буюк Ипак йўли манзаралари», «Ўзбекистон хунармандлари» деб номланди. Бу экспозициялар ўтган йили Японияда ҳам муваффақиятли кўрсатилди.

Атоқли санъаткор Т. Қўзиев кейинги йилларда яратган энг яхши ижод намуналарини тўплаб, уларни алоҳида экспозиция ҳолига келтиришга киришди. «Болаликдан ёрқин келажак ҳақида ўйлар» деган мавзуда юзага келадиган ушбу кўрғазма Миср Араб Республикасига юборилади.

Ўзбекистон санъаткорлар делегациясининг яқинда Мисрга қилган ижодий сафари чоғида ана шу маданий тадбирни амалга оширишга келишиб олинди.

СУВ — БУ ҲАЁТ

Ўтган йили Тошкентда ўтказилган «Сув-бу ҳаёт» деган мавзудаги фотосуратлар танлови халқаро аҳамият касб этди. Ўзбекистон Бадийи академиясининг фотография уйи ташаббуси билан амалга оширилган бу йирик маданий тадбир доирасида очилган кўрғазмада чет эллик сураткашлар ижод намуналари ҳам намойиш қилинди.

Ушбу хайрли иш фотография санъати халқаро федерацияси томонидан қўллаб-қувватланди. Шу сабабли эндилкида «Сув-бу ҳаёт» кўрғазмасини мунтазам ташкил этиш тадбирлари кўрилади. Ўзро келишувга мувофиқ навбатдаги халқаро кўрғазма Женевада ташкил этиладиган бўлди.

Ушбу экспозицияни томошабинларга тақдим этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёти дастурининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси ҳам фаоллик кўрсатди. Ўзбекистон Бадийи академияси Тошкент фотография уйи саъй-ҳаракати билан янги ижод намуналари тўплаб, бу халқаро кўрғазмага юборилади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ИЖРО ИНТИЗОМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Адлия вазирлиги ҳузурда суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилган эди.

Суд ижрочиларининг фаолият механизми янада такомиллаштириш мақсадида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Унда суд ижрочисининг мақоми ва бошқа ижро иши билан боғлиқ ҳолатлар аниқ белгилаб берилган.

Эндилкида суд ижрочиси мазкур қонунга асосланиб, ўз номидан, мустақил равишда, ижро ҳаракатини амалга оширишда қарорлар қабул қилиш ваколатига эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда етти юз нафарга яқин суд ижрочиси фаолият кўрсатмоқда. 2003 йилда ижро департаментга 500 мингга яқин ижро ҳужжати келиб тушган. Мавжуд ҳужжатларнинг 78,1 фоизи тўлиқ ижро қилиниб, 150 миллирд сўмга яқин маблағ тегишли асосда ундириб берилган.

— Мамлакатимизда ижро интизоми йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, — дейди ижро департаменти директори ўринбосари Баҳодир Янгибоев ўЗА муҳбирига. — Ижро ҳужжатлари йил сайин кўпайиб бориши баробарида ижро кўрсаткичларининг ҳам ўсиб бораётганини ишимиз самарадорлиги ортаётганидан далолатлар. Ундирилган сумманинг 3,5 баробар кўпайгани фикримиз далилидир.

Айниқса, жиноятлар натижасида ет-

казилган зарарлар ундирилиши билан боғлиқ жараёнда 2002 йилга нисбатан 10,3 фоиз ўсишга эришилди. Давлат фойдасига ундирувлар бўйича ҳам самарали натижага эришилиб, бу кўрсаткич 15,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Юқорида таъкидланган қонунга асосан суд ижрочиси ижро ҳужжатидagi талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун қарздорга кўпи билан беш кун давлат белгилайди. Агар қарздор белгиланган муддат ичида қўйилган талабни ихтиёрий равишда узарсиз бажармаса, жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солиб, ижронини мажбурий тарзда амалга оширади.

Ижро жараёнида айна шу масалага жиддий эътибор қаратилиб, суд ижрочиларининг қонуний талабларини ўз вақтида ёки умуман бажармаган жисмоний ва мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллаш фаолияти янада кучайтирилди.

Айни вақтда фуқаролар ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш, меҳнат низолири билан боғлиқ бўлган шикоятларнинг барчаси қонун доирасида ҳал қилинмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ўЗА муҳбири

— Меҳнат бўлимимиз эшиклари фуқароларимиз учун доимо очик, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Ғайрат Муҳиддинов. — Барча ходимларимиз аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Ўтган йили меҳнат бўлимида иш билан банд бўлмаган 1716 нафар фуқаро аҳолини ишга жойлаштириш шўбасида рўйхатга олинган. Улардан 1316 нафари иш билан таъминланди ҳамда 293 нафар фуқаролар қайта касбга ўқитиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига қарашли Иш-сизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва

Бандлик хизмати

ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Бугунги саҳифамизда биз Мирзо Улугбек туман меҳнат бўлими жамоасининг амалга ошираётган ишлари, уларни ўйлантираётган масалалар ҳақида сўз юритамиз.

малакасини ошириш ўқув марказига йўналма билан юборилди. Хозирги кунгача улардан 152 нафари ўқишни ботириб, ишга ҳам жойлаштирилди. 59 нафар фуқаро эса ўқишни давом эттирмоқда. Шунингдек, бўлимга муурожаат қилиб, рўйхатга олинган фуқаролар ишга жойлаштириш маса-

ласи ҳал бўлгунга қадар, ишсизлик мақомини оладилар ҳамда уларга ишсизлик нафақалари тайинланади.

Меҳнат бўлими ходимлари билан тумандаги корхона, ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, жумладан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ҳисобига ҳам анчагина янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, ўтган йил давомида иш жойларида штатларнинг қисқариштирилиши, иш ҳажмларининг камайиши ёки корхоналарнинг тугатилиши натижасида ишдан бўшатилган фуқаролардан 187 нафари бўлимга муурожаат қилган, улардан 36 нафари мuddатидан олдин қариллик нафақасига чиқарилган.

Мазкур меҳнат бўлими «Тошкент трактор заводи» давлат хиссадорлик жамияти, «Ўзбеккабель» давлат акционерлик жамияти, «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси каби бир қатор корхоналар билан яқиндан алоқалар ўрнатган. Меҳнат бозорига тенг ра-

қобат қила олмайдиган фуқаролар (ногиронлар, кўп болали, ёлғиз ота ёки оналар, ёшлар, жазо мuddатини ўтаб қайтганлар, армия хизматидан бўшаганлар) туғган туманда 95 та корхонада туман ҳокимининг қарори билан 1869 та махсус иш жойлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигига 11 йил тўлиши муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармонида кўра шу кунгача туманда истиқомат қилувчи 68 нафар фуқаро жазодан озод этилиб, ўз оилалари бағрига қайтди. Уларни ижтимоий ҳаётга кўнктириш, иш билан таъминлаш, соғломлаштириш масалаларида туман прокуратураси, туман ИИБ, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман ижтимоий кўмакка маркази, туман меҳнат бўлими билан биргаликда муайян ишларни амалга оширмоқда.

Савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ озод этилганларнинг 31 нафари иш билан таъминланди, 13 нафар фуқаро тиббиёт муассасаларида ўз соғлиқларини тикламоқда. Шу кунларда 16 нафар фуқарони ишга жойлаштириш масаласи устида ишланмоқда.

Меҳнат бўлими ходимлари ўтган йили 7 мартга «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаларини ўтказдилар. Уларга жами 5173 нафар фуқаро жалб қилинди. Ушбу ярмаркаларда иш берувчилар билан иш кидираётганлар бевосита мулоқот қилиб, бўш иш ўринлари ҳақида тўлиқ, ҳар томонлама маълумотларга жавоб олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Ишни тўғри ташкил этиш муваффақиятлар замини эканлигини тўғри англаган меҳнат бўлими ходимларидан ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ишлаш гуруҳининг ишчан раҳбари Ҳамида Аҳмедова, малакали меҳнат нозир Карима Тиллаева, Аҳолини ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ва қайта касбга тайёрлаш шўбаси бош мутахассислари Дилобар Қамбаров ва ҳамда Гулҷеҳра Охунжоновалар айнисқа кўнечлик билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Меҳр ва мурувват йилида меҳнат бўлими жамоаси аҳолининг иш билан бандлик муаммоларини ижобий ҳал қилиш, ижтимоий кўмакка муҳтож қатламга эътиборни қўйиштириш ўз олдларига мақсад қилиб қўйган ҳолда иш юритмоқдалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Мирзо Улугбек туман меҳнат бўлими фаолиятдан лавҳалар.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



Ўқув марказларида

ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШМОҚДА

Бугунги кунда келажакимиз давомчилари бўлган зукко, билимга чанқоқ, доимо янгиликка интилувчан ёшларимизнинг замонавий касбларни эгаллашга иштиёқлари бешлар. Нафақат ёшлар, айни куч-ғайратга тўлган, бирор касб-хунарни мукамал билган фуқароларни ҳам меҳнат бозорига янгидан «пайдо» бўлиб, янада муқим ўрин эгаллаётган кўплаб йўналишдаги мутахассисликлар бефарқ қолдирмаяпти.

Юнусобод туманида фаолият юритаётган «Эффект-молия» ўқув марказида ҳам малакали мутахассислар кўплаб йўналишларда замонавий касб-хунарлардан сабоқ беришмоқда, шу билан бирга амалиётга ҳам татбиқ қилишда ўз билим ва иқтидорларини, тажрибаларини аямаяптилар.

— 4 нафар фарзанднинг орасидан, — дейди «Эффект-молия» ўқув марказининг директори Сора Розикова. — Уларнинг доимо янгиликка интилишлари, ўта қизиқувчанликлари мени ҳам 15 йиллик тарихчи мутахассислигимни ўзгартиришимга туртки бўлди. 2000 йилда мен Тошкент Давлат техника университетига ўқишга кириб бошқарувнинг автоматик тизими бўйича иккинчи мутахассисликни эгалладим. Ўтган йили эса турмуш ўртоғим — узок йиллардан буён молиявий-бошқарув тизимининг етакчи ходими ёрдами, кўллаб-қувватлашлари, тажрибаларига таянган ҳолда мазкур ўқув марказини биргаликда ташкил этдик.

Тинимсиз меҳнат, изланиш ҳамда рақобатчилик ишини чуқур ўрганиш асосида марказда кичик гуруҳларда, яқна тартибда сифатга асосий эътибор қаратган

ҳолда фаолият юритилмоқда. Бу ерда директорнинг ўзи бошловчилардан тортиб, то энг мукамал дастурларга «Пентиум — 4» каби замонавий компьютерларда малакали сабоқ беради.

Инглиз тилига қизиқувчилар учун ҳам энг замонавий услубларда дарс ўтилади. Бу гуруҳда бошловчилар, жумладан, таржимон—гидлар учун ва сўзлашувни ўрганувчиларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилиб, татбиқ қилинмоқда. Бухгалтерия ҳисоби, молиячи касбларига катта билим ва тажриба эгаси Неъматулло Кенжаев ўргатади.

Мазкур ўқув марказида дарс берувчи мутахассислар қатъий талаблар асосида танланган. Худди шу сабабли ҳам барча ўқитиш жараёнлари амалиёт билан чамбарчас ҳолда олиб борилди. Масалан, уқаловчилик, ҳамшираликка кўп йиллик иш тажрибасига эга тиббиёт ҳамширалари Зарифа Аҳмедова ўзига хос услублар қўллаган ҳолда хоҳловчиларга касб сирларини эринмай ўргатади.

Марказда қиз-жувонларга бичиш-тиқиш, элиниш асосида марказда кичик гуруҳларда, яқна тартибда сифатга асосий эътибор қаратган

бой тажрибаси ҳамда Япония, Россия давлатларидадан келтирилган тикув машиналари қўл келмоқда. Бундан ташқари, Гулнора Толипова ёшларни сартаврошилик касбига ўргатиш учун ҳар бир дарсини амалиёт билан биргаликда олиб боради. Замонавий касблардан бири ҳисобланган котипа-референт, кадрлар бўлими инспекторларини тайёрлаш ишларига ҳам марказда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқув маркази «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши туман маҳаллалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Курсларда уларнинг тавсиясига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бепул ўқитилмоқда. Бу хайрли ишларни ўқув маркази ходимлари ўз ташаббуслари билан амалга оширмоқдалар.

Йигит-қизларимизнинг вақтларини беҳуда ўтказмай бирор касб-хунар эгаллаб, меҳнат бозорига ўзларига муносиб иш жойларига эга бўлишларида «Эффект-молия» ўқув маркази тажрибали ходимларининг муносиб вақт албатта, кўрсатишига ишонамиз.

Муассар
УМАРБЕКОВА

Ишга марҳамат

Ўқув марказларида
ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШМОҚДА

Ўқув маркази «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши туман маҳаллалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Курсларда уларнинг тавсиясига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бепул ўқитилмоқда.

Охири кичик корхона ишга жойлашди. Кечаси уйкуга ётиб, не-не ўй-хаёллар, орзулар билан базўр тонг оттирдим. Биринчи иш кунимда байрамлардагидай яса-ниб, шахдам қадамлар билан ишхонага йўл олдим...

Мазкур корхонада ишлаётганимга ҳам мана 1 йилдан ошди. Жамоадорларим самимий, ишчан, кўпчилиги оилали одамлар. Шу давр мобайнида анчагина иш жараёнларини ўзлаштирдик. Катта ёшдаги ҳамкасбларимдан ҳаётда асқотадиган тажриба ҳам ортиряпман. Ишимдан, айниқса ҳамкасбларимдан жуда мамнунман. Лекин 5-6 ойдан буён мунтазам равишда маошимизни бир ярим оилаб пул оломай қийналамиз ёки го-

ҳида маошимизнинг бир қисминигина беришади. Бунинг сабаби сифатида эса ҳар қил баҳоналарни рўқча қилишади. Бир кунги ҳамкасбимиз Қодир ака ташвишли кўринди. Сўраб-суриш тирсақ, аёлларининг қон босими кўтарилиб, шифохонага ётқизишга мажбур бўлишди. Ўғиллари ҳам ойлик маошини вақтида ололмаётгани, дори-дармон, муолажалар учун қўшниларидан қарз олганликларини сенинггина ҳамхоналарига айтибдилар...

Мен эса ҳуқуқий биллиларим етарли даражада эмаслигидан хафа бўлдим. Чунки корхона раҳбаримиз ҳузурига маошимизни ўз вақтида беришини сўраб, ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиб кирган бўлардим...

Сардор ХОЛИҚОВ,
Яққасарой тумани.

Сўранг, жавоб берамиз

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ҲАҚИДА

Мен ишлаётган корхонада меҳнат низолари келиб чиқди. Мени қандай ҳолларда меҳнат низолари судларда кўриши мумкинлиги қизиқтиради.

Ортик Шукуров, ишчи, Собир Раҳимов тумани.

Меҳнат низолари Меҳнат кодексининг 269-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:
1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;
2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари тарифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогуд ёки ҳам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;
3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарларнинг тўлиғини ҳақида бўлса;
4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилган оқибатлари зарарини (маънавий зарарини ҳам) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарини иш берувчи томонидан тўлаши ҳақида бўлса;
5) улар иш берувчи ва касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб, ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

ВАҚТИНЧА ТОПШИРИШ МУМКИНИМИ?

Икки йил аввал хусусий корхона очганим эдим. Саломатлигим ёмонлашганлиги сабабли даволаниш учун бошқа шаҳарга кетишим керак. Шу вақтдан корхонани қонуний асосда бирон-бир кишига вақтинча бошқариб туриш учун (мол-мулкларни сотиб юбормаслик шарти билан) топширсам бўладими?

Даврон Алиев, тадбиркор, Сергели тумани.

Албатта, бўлади. Бирон-бир шахсга мол-мулкнингизни шартнома асосида муайян мuddатга ишончли бошқарувга топширишингиз мумкин. У мол-мулкнингизни бошқарар экан, шартномага асосланган мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Лекин мол-мулкни бундай ишончли бошқарувга топшириш мук ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

Куни кеча Беҳзод номидаги Республика бадий расмочилик коллежида Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун Шайхонтохур туманида фаолият юритаётган энг яхши тадбиркор ва хунармандларнинг махсулотларини кенгроқ намойиш қилиш, уларнинг ўзларини элга танитиш мақсадида «Ташаббус — 2004» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

«Ташаббус — 2004»

ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАР КҮРИГИ

Юртимизда кейинги йилларда тадбиркорлар ва хунармандлар яратилаётган кенг имкониятлар, қулай шарт-шароитлар туфайли ички бозоримизда импорт ўрнини босувчи, экспортбош махсулотлар кўплаб ишлаб чиқаришмоқда. Эътиборли томони шундаки, улар орасида изланиш, ташаббус кўрсатиш, янгиликка интилиш кучайиб бормоқда. Халқимиз айнан кўрик-танлов, ярмаркаларда тадбир-

масъулияти чекланган жамияти раҳбари) 1-ўринга сазовор бўлди ҳамда хоржий телевизор билан муқофотланди. 2-ўринни «Камол топ» хусусий фирмасининг раҳбари Вазира Раҳимова эгаллаб, видеомагнитофонни кўлга киритди. Учтинчи ўринга эса «Конун» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улугбек Абдураҳмонов сазовор бўлди.

Асрлардан асрларга ўтиб, нафақат элу юртини, балки

оқлаймиз. Чунки биз бошлаган ишни эртага ёш авлод давом эттиради. Юртимиз иқтисодийнинг кўтариш учун унинг равнақиға ҳисса қўшадиگانлар доимо изланиш, интилиш ва албатта ташаббус кўрсатишлари даркор.

Шу кун пойтахтимизда «Самарқанд» чойхонасида Яққасарой туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкилотчи бўлган «Ташаббус — 2004» кўрик-танловда 8 нафар тадбиркор ва 5 нафар хунармандлар иштирок этиб, улар ҳам 3 та босқичда беллашдилар.

Кўрик-танловнинг ҳайъат аъзолари ва ташриф буюрувчилар кўрик-танловдан катта таассурот олдилар. Унда тадбиркорларнинг сифатли, чиройли, чидамли махсулотлари; моҳир хунарманд усталарнинг миллий либослари, кўп минг йиллик тарихга эга заргарлик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, лок миниатюра асарлари намойиш этилди.

Савол-жавоблар кўрик-танлов иштирокчиларини уларнинг иқтидорлари, салоҳиятлари ва малакаларига қараб ҳайъат аъзолари баҳолашларига имкон яратди. Белгиланган шартлар ижросига кўра туманда «Энг яхши тадбиркор» номини Отабек Миржалолов («Акома» масъ-



корларнинг рақобатбардош махсулотлари ва қўли гул, санъатини жаҳонга олиб чиқишга арзиғулик хунармандларимиз асарлари билан яқиндан танишишлари мумкин.

Мазкур кўрик-танловда 6 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунармандлар катнашиб, 3 та босқич шартлари бўйича ўзаро беллашди. Бундан ташқари туманда самарали фаолият юритаётган корхоналар ўзининг харидорларини манун қилаётган сифатли махсулотларини кўргазмада намойиш қилдилар.

— Кўргазмани айланиб юриб, қалбим фаҳр туйғуси билан тўлди, — дейди коллеж талабаси Миртоҳир Кодиров. — Тадбиркорларимизнинг махсулотлари сифатли, асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланган, шу билан бирга улар чиройли қадокланган. Кўплаб янгиликлардан ҳам воқиф бўлдим. Уста-хунармандларимизнинг машаққатли меҳнатлари махсули бўлган, санъат даражасига кўтарилган асарлари барча ёшдаги юртдошларимизни гўзаллик оламига етаклайди.

Ҳайъат аъзолари кўрик-танлов қатнашчиларининг кўргазмадан ўрин олган экспозицияларини баҳолагач, иштирокчилар ташкилотчилар томонидан тайёрланган хатжилдрарига жойланган саволларга навбат-навбат жавоб қайтарганларидан сўнг, яна баллар қўйилди. Саволлар ёрдамида уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий савиялари, касб-малака ва алоқатта, тажрибалари муносиб баҳоланди.

Кўрик-танловнинг барча шартларини бажарган иштирокчиларни ҳайъат аъзолари баҳолашлари ҳаммада ҳаяжон ўйғотди. Шу босис ҳақамлар эълон қилган ҳар бир голиб қарсақлар билан олқишланди. Шундай қилиб, туманда «Энг яхши тадбиркор» номига Фарҳод Ортиқўжаев («Generous»

хорижликларни ҳам мафтун қилиб, лол қолдираётган уста санъатини жаҳонга олиб чиқишга арзиғулик хунармандларимиз асарлари билан яқиндан танишишлари мумкин.

Мазкур кўрик-танловда 6 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунармандлар катнашиб, 3 та босқич шартлари бўйича ўзаро беллашди. Бундан ташқари туманда самарали фаолият юритаётган корхоналар ўзининг харидорларини манун қилаётган сифатли махсулотларини кўргазмада намойиш қилдилар.

— Кўргазмани айланиб юриб, қалбим фаҳр туйғуси билан тўлди, — дейди коллеж талабаси Миртоҳир Кодиров. — Тадбиркорларимизнинг махсулотлари сифатли, асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланган, шу билан бирга улар чиройли қадокланган. Кўплаб янгиликлардан ҳам воқиф бўлдим. Уста-хунармандларимизнинг машаққатли меҳнатлари махсули бўлган, санъат даражасига кўтарилган асарлари барча ёшдаги юртдошларимизни гўзаллик оламига етаклайди.

Ҳайъат аъзолари кўрик-танлов қатнашчиларининг кўргазмадан ўрин олган экспозицияларини баҳолагач, иштирокчилар ташкилотчилар томонидан тайёрланган хатжилдрарига жойланган саволларга навбат-навбат жавоб қайтарганларидан сўнг, яна баллар қўйилди. Саволлар ёрдамида уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий савиялари, касб-малака ва алоқатта, тажрибалари муносиб баҳоланди.

Кўрик-танловнинг барча шартларини бажарган иштирокчиларни ҳайъат аъзолари баҳолашлари ҳаммада ҳаяжон ўйғотди. Шу босис ҳақамлар эълон қилган ҳар бир голиб қарсақлар билан олқишланди. Шундай қилиб, туманда «Энг яхши тадбиркор» номига Фарҳод Ортиқўжаев («Generous»

улияти чекланган жамияти раҳбари) олди ҳамда биринчи ўрин соҳибига телевизор соғва қилинди. «Спарта сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Пасхалис Икономов 2-ўринни, 3-ўринни эса «Олиана-рум» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Владимир Череватенко эгаллади ҳамда уларга ҳам қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

Уш ишларининг усталари, моҳир хунармандлардан туманда «Энг яхши хунарманд» номига ёғоч ўймакорлиги устаси Камолитдин Раҳимов сазовор бўлди. 2-ўрин лок миниатюраси устаси Жавлон Ҳошимовга, 3-ўрин эса ёш заргар Талъат Дадамўхамедовга насиб этди. Барча голибларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукаддас
АБДУРАСУЛОВА
СУРАТЛАРДА: «Ташаббус — 2004» кўрик-танлови Шайхонтохур туман босқичидан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари

03-03 УРГАНИШ
ДОМО БУЛУР...

• Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечорахолроқ бўлганларни қўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожирроқ, бечорароқ, паршон яна ким бор? — деб ййглади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортлган эшак бу дардман одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингга кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассан-ку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

• Доно билан сўзлашганда камгап бўл.

• Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

• Яхши сўхбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

• Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиригиси бўл.

• Агар жоҳиллигим намён бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони бит туркий»да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳақимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқрор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлади. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, сўхбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрناق олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.

Байт:

**Оқиллар наздида сукут
сақлаш одобдур,
Лек савол ташлаганда
сўз демоқ ижобатдир.**

• Пархезгарда уч фазилат бор: ёмонлар билан бирга ўтиришдан сакланеди, гийбат ва ёлғондан узоқ юради, ўзи шубҳаланган нарсаларни ҳаром ҳисоблаб, шубҳаси тарқалмагунча уларга яқинлашмайди.

• Бағритошда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қониқмайди, ҳар қанча насиҳат берсалар қабул қилмайди.

• Вафолик кимсада уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (ўзгалар) гуноҳини яширади — шуларнинг ўзи унинг сидқидиллигидан нишондир.

• Фосиқда уч аломат бор: бузуқликни севади, ўзгаларга зиён-захмат еткази, ҳақ йўлдан юрмайди.

ДЕҲЛИДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Деҳлидаги Ҳиндистон байналмилал марказида «Ҳиндистон ва дунё: ўзаро алоқалар ва нуқтаи назарлар» мавзuida халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Алигарх Муслим университетининг Тарихни чуқур ўрганиш маркази ва Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ИССК) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳиндистон Республикаси Парламентининг юқори палатаси раиси ўринбосари, ИССК президенти Н.Ҳептулла мазкур тадбирни очар экан, замонавий тараққиётга эришишда тарихни чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Семинарда асосий эътибор Ҳиндистон билан жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихига қаратилди. Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган олим ва тадқиқотчилар Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан муносабатлари тарихига оид маърузаларида мазкур минтақада, хусусан бугунги Ўзбекистон замида жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб аллома-лар етишиб чиққанини таъкидлади. Бобур ва бобурийларнинг ҳинд халқи тарихи, маданияти ва санъатида ёрқин, ўчмас из қолдирганини алоҳида эътироф этишди.

Қадимдан меҳр-мурувватни, саховату ориятни қадрлаган, топган бир бурда нонини тенг бўлишиб ейишга одатланган халқмиз. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб аталиши муносабати билан бу гўзал туйғулар янада сайқаллашиб жойларда ўз аксини топмоқда.

2004-Меҳр ва мурувват йили

«ҚАЛБ ЭЪТИҚОДИ»
ДАВРАСИ ТАШАББУСИ

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Қалб эътиқоди» давраси фаоллари ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган тадбир ҳам

Меҳр ва мурувват йилига бағишланди. Унда асосан университетнинг ҳарбий кафедраси талабалари иштирок этишди.

Учрашувда сўзга чиққан «Қалб эътиқоди» давраси раиси, таниқли

шарқшунос олима Муборақ Юнусхўжаева «Меҳр-мурувват—гўзал фазилат», раис ўринбосари Дилбар Носирова «Инсоннинг баркамол вояга етишида спортнинг аҳамияти», Мирзо Улуғбек туманидаги

Янгиликдан хабарингиз борми?

«ОФАРИН» САНЪАТИДАН
ЗАВҚ ОЛИНГ

Бугунги кунда жаҳон маданиятида замонавий рақс санъати ўз ўрни ва мақомига эга. Замонавий рақс театрини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг 2002 йил 29 декабрдаги қарорига биноан Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри қошида рақс гуруҳи ташкил қилиш масаласи кўтарилди.

Куни кеча мазкур театрда «Офарин» рақс гуруҳининг фаолият бошланиши муносабати билан илк бор оммавий ахборот воситалари билан учрашув ўтказилди. Тадбирни театр директори Бахтиёр Ёқубов кириш сўзи билан очиб, қуйидагиларни таъкидлади.

— «Офарин» рақс театри гуруҳини ташкил этишдан асосий мақсад, янги миллий рақс негизини яратишдан иборатдир. 2003 йил январь ойидан бошлаб театрда қизғин ишлар бошлаб юборилди ва бу боралда моҳир раққосалар ўртасида танловлар ўтказилди. Фольклор, мумтоз, замонавий жанрларда ташкил топган «Офарин» рақс театр жамоаси таркибиде миллий рақс олий мактаби ва хореография билим юрти ўқувчилари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри раққосалари ҳам бор.

— Мақсадимиз,— дейди янги театрнинг бадий раҳбари Алия Шалхарова, такрорланмас, замонавий йўналишларда изланишлар олиб боришдир.

Дарҳақиқат, рақс кўп жанрли санъат ҳисобланади. «Офарин» рақс театри бир

неча йўналишда иш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбек миллий рақс санъатининг яширин қирраларини очиш ва жаҳон миқёсида унинг ўрнини янада мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. «Офарин» рақс театри гуруҳи рақсларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, саҳналаштирувчи балетмейстер Карима Узоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Темур Текоев, Рустам Султонов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Замир Нуримбетовлар саҳналаштиради. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича муво

фиқлаштирувчи Наталия Фиолетовадир. 5 март соат 18.00-да Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри саҳнасида «Офарин» гуруҳи ўзининг илк концертни томошабинлар ҳукмига ҳавола қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: «Офарин» рақс театри гуруҳи қизлари.



— Ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқалар қадим тарихга бориб тақалади, — дейди Алигарх Муслим университетининг Тарихни чуқур ўрганиш маркази раиси, профессор Мансура Ҳайдар. — Икки халқ маданияти, санъати ва бошқа соҳалардаги ўзаро яқинлик, муштаракликлар мавжуд ва бу тасодифий ҳол эмас. Негаки, мамлакатларимиз ўртасида асрлар давомида ижтимоий ва илмий-адабий ҳодисалар бир-бирига ўз таъсирини ўтказиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг эса муносабатларимиз янгича мазмун ва моҳият касб этди.

Сухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири
Деҳли.

Амир Темур маҳалласи оқсоқоли, истеъфодаги генерал-майор Абдулла Ортиқбоев «Ватан — муқаддас гўша» мавзуларида гапириб, ёшларга ўз ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб бердилар. Ёшларни Ватан ҳимояси учун доимо шай туришга, шарқона орият туйғусини, инсонларни қадрлашга, шунингдек, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга иззатда бўлиш каби ижобий хислатлар соҳиби бўлишга чақирдилар.

Муборақ
МИРКАМОЛОВА

АФРИКА
НАВОЛАРИ

Замонавий санъат марказида илк бор «Африка наволари» деб аталган кўргазма очилди. У Ўзбекистон Бадий академияси ва Бадий кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Африка анъанавий бадий ҳунармандчилигига оид юздан ортиқ буюм намойиш этилмоқда. Улар орасида Судан, Сенегал, Кения, Қонго, Намибия, Танзания, Эфиопия, Мозамбик, Зимбабве каби Африка мамлакатларида тайёрланган ҳайкаллар, ниқоблар, саватлар, заргарлик буюмлари ва бошқа кўплаб нарсалар бор.

Бу экспонатлар тошкентлик ҳаваскор коллекционерлар томонидан тақдим этилган. Мазкур ўзига хос кўргазма замонавий Африка халқ санъати оламига саёҳат қилиш имконини беради.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА

Мурфа олам**ЭНГ ҚИММАТ
МЕҲМОНХОНА**

— Вашингтондаги бир неча йилдан буён Клинтонлар оиласи яшаб келаётган Оқ уй дунё журналистларининг фикрича энг қиммат меҳмонхона экан, — деб хабар қилади невис ҳафтаномаси «Бунте». Оддий америкалик Қўшма Штатлар демократик партияси фондига 130 минг доллар (ундан юқори ҳам бўлиши мумкин) тўлаб Клинтон ва Хиллари билан бир том остида вақт ўтказиши мумкин.

Тарихдан, «Линкольн хобхонаси» номи билан аталадиган, ҳозирда меҳмонхона макomini олган бу жой меҳмонларига эрталаб америкача онушта, яъни пиширилган гўшт ва омлет, газета ҳамда Оқ уйнинг турли бурчакларига бориб сайр қилиш учун бир жуфт чипта берилади. Шунчалик қиммат бўлишига қарамай меҳмонхона ҳеч вақт бўш қолмайди. Голливуд киноюдузлари учун эса «Линкольн хобхонаси» карвонсаройга ўхшайди. Яхши ҳамки бу ерда қатъий қоидалар бор. Акс ҳолда тартибузарликлар ҳам бўлиши табиий.

Эсинизда бўлсин**РЎЗҒОРДА
АСҚОТАДИ**

Муддати ўтиб қолган батареяларга болғача билан оқиста уриб, уни ҳар томонидан омбир билан қиссангиз қайта кучга кириши мумкин.

Сарғайиб кетган кирни қайнатганда нашатир спирти қўшсангиз (10 литр сувга бир ош қошиқ) тез очилади.

Агар сувга бир-икки қошиқ борат кислотаси қўшсангиз унда икки соат оқ пайпоқ, голфи каби буюмларни ивсангиз жуда яхши ювилади.

Краҳмалга озгина туз қўшишни унутмасангиз, кирларингиз ярақлаб кетади.

Туз дазмолни тозалайди. Шунинг учун киздирилган дазмолни туз сепилган қоғоз устидан бир-икки марта юргизиб юборсангиз топ-тоза бўлади.

Сунъий шойидан тикланган (кўйлак, юбка, блузка ва бошқалар) буюмларни дазмоллашда сув пуркаманд, доғ қолиши мумкин.

Назм қилгани**ЮРТ МЕҲРИ**

Билмоқ афзал олам
узра яхши-ёмон
борлигини,
Жафога кенг, вафо
учун ҳатто дунё
торлигини.

Хаёт ўтсин десак муд
дом тинчлик,
ором-фароғатда,
Лозим бўлур ошир-
моқлик ўлкамиз
хушёрлигини.

Ватанни деб фидо
бўлмоқ муқаддасдир
билганларга,
Халол ишнинг саво-
бию ҳаромнинг кўп
орлигини.

Чин инсонлар эзгулик-
ни ўйлар ҳар кун,
ҳар дақиқа,
Халқ ташвиши юраги-
да, унутиб бедорлигини.

Мард кишилар қайт-
мас ҳаргиз адолатли
ҳақ йўлидан,
Номард эса юртин со-
тар изоҳлаб
ночорлигини.

Ёзди ғазал Ҳожи
Пўлат ҳис этиб ўз
қалб кўрида
Она замин ҳам юрти-
нинг соф меҳрига
зорлигини.

УСТОЗ**ХОТИРАСИГА**

Деди: ўйга ботибсан
субҳи тонгда,
Дедим: руҳи Алишер
қалбу онгда.

Деди: қай вақт дил
идроқ этди они,
Дедим: тил сўзлади
бо номи «Фоний».

Деди: не бирла
машхур ул буюқ зот,
Дедим: айлабди
туркий «Хамса» бунёд.

Деди: битганми
ул осори иймон,
Дедим: ёзгон ажиб
тафсири Куръон.

Деди: маъруфми
ўзга хизмати пок,
Дедим: бирлашди
шеърда қавми атроқ.

Деди: мухлислари
кўпму эл ичра,
Дедим: Магрибу
Машриқ, Чину Ҳиндча.

Деди: айгил сифоти
қайси янглиг,
Дедим: дар Лавҳаи
Маҳфуз улуглиг.

Деди: ондин
қолибдур қайси
суннат,

Дедим: илм,
маърифат, сулҳу
адолат.

Деди: эъоздаму
шоир бисоти,
Дедим: ҳайкал аңга
халқ илтифоти.

Деди: не муддаодур
сенга боқий,
Дедим: мўъминлиғу
аҳли Навоий.

Пўлатжон
БОБОМУҲАММЕДОВ

Қиш табиатнинг навқирон, улугвор дам-
ларини, изгиринли аёзлари-ю, музларини
ўзида жамулжам қилган фусункор фасл.

Ҷўлар**ҚОРНИ СОҒИНИБ**

Айниқса, учқунлаб,
ўйноқлаб капалаклардек
учиб, қўниб ёғаётган
оппоқ қорлар инсонлар
қалбида ажиб бир сар-
хушлик уйғотади. Қиш-
нинг бор таровати оп-
поқ қор билан гўзал ва
сирлидир.

Паға-паға оқ заррин
қорлар ёғаётганда
одамларнинг дили яй-
да кетади. Ёшу кекса-
лар юзига беғубор кул-
гу, кўнглига эса кўта-
ринки руҳ бахш этади.
Жажжи болажонларнинг
шўху шодон қийқириқ-
лари оламни тутади.
Шунинг учун ҳам киш-
нинг зийнати қор билан
дейишади. Ҳа, биз қор-
ни соғиндик. Унинг юз-
ларимизни чимчимлаб,
бурунларимизни кизар-
тирувчи аёзли изги-
ринларини кўмсамоқда-
миз. Қиш қишлигини
қилиб, гупилаб қорлар
ёғмаса яхмалак йўллар-
дан сирпаниб, сирғалиб
ёш боладек атак-чечак
қилиб юрмасак, бир-
биримизни қор билан
сийламасак кўнгил
ором олармикан? Ҳозир
борлиқни, совуқ аёзлар

ўрнини сахий қуёшнинг
зарҳал нурлари қамраб
олган. Атрофда баҳор
ҳиди уфурмоқда. Тўғри,
баҳор фасллар малика-
си, сулуви ва суюқлиси
ҳисобланади. Уни ҳам-
мамиз бирдек ардоқ-
лаймиз. Гулу райҳонлар
ифорини ким севмайди
дейсиз?.. Агар қиш дав-
ру давронини ўз вақти-
да сурмаса, баҳоримиз
кеч келади, совуқлар-
га дош бермай гул-че-
чаклар сўлади, дов-да-
рахтлар маҳзун бўлиб,
меваларни оз солади.
Ёзимиз ҳам мунғайиб
елка қисиб қолади. Да-
рахтлар мўл-кўл ҳосил
беролмай бошин эгиб
қолади.

Ҳозир эса қиш. Ҳаф
фаслнинг ўз гашти ва
сурури бор. Шундай
экан қорлар ёғсин.
Ёғаверсин чор-атрофни
оқликка белаб. Диллар-
даги ғубор тарқалсин.
Қиш ўзининг қутлуғ
қадамларини ўз ниҳоя-
сини, оппоқ қорлар би-
лан якунласин, дея ти-
лакдамиз.

Гулнигор
САТТОРОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар
бошқармаси ва

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»
Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚҮЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ
БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚҮЙИЛГАН:**

Биржа савдоларида:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ худудида янги қуриладиган турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3x3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўкони қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм;

- майдони 36 квадрат метр (6x6) бўлган қурилиш моллари дўкони қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 3 500 000 сўм;

- майдони 1,5 квадрат метр (1x1,5) бўлган лак-бўёқ дўкони қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм;

- майдони 48 квадрат метр (6x8) бўлган ошхона қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, «Avtomakon» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудида жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар, ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинда

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz va info@tshmbm.uz

Спорт

ОЛИЙ ЛИГАДА — ҮН ТҮРТ ЖАМОА

Ўзбекистон Футбол федерациясида мамлакат XIII чемпионати ўйинларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Турли сабабларга кўра Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ва Қўқон шаҳрининг «Қўқон-1912» жамоаларида қуръа ташлаш маросими сабабли бу йил олий лигада ўн тўрт жамоа тўп суради.

Яна шунинг ҳам қайд этиш жоизки, мамлакатимиз терма жамоаси ва етакчи клубларимизнинг жаҳон чемпионатига саралаш турнири ва Осиё чемпионлар лигасида иштирок этишини назарда тутган ҳолда чемпионат мамлакатимизда футбол кунини деб белгиланган 18 мартда эмас, балки бироз олдинроқ — 4 март кунини бошланади.

Чемпионат тақвимида кўра шахримизда футбол мавсуми «Трактор» стадионида очилади. Дастлабки ўйинда «Трактор» мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси билан учрашади. Шахримизнинг яна бир жамоаси «Локомотив» эса биринчи турда Самарқандда «Самарқанд-Д» клуби билан куч синашади.

БОКСЧИЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Ҳаваскорлар ўртасида энг кучли чарм кўлқоп усталиримиз — Осиё, жаҳон ва олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳамда икки карра жаҳон ва қитъа чемпиони Руслан Чагаевлар Германияда ўтказиладиган профессионал рингдаги навбатдаги «жанг»ларига пухта тайёргарлик кўришмоқда.

IBF йўналиши бўйича профессионал рингда ўтказилган ўн тўрт учрашувнинг ўн учтасида галаба нашидасини тоғиб, «олтин камар» сари даядил одимлаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев эртага 63,5 килограммга вази тоифасида Венесуэла вакили Ричард Рейнага қарши рингга чиқади.

WBO йўналиши бўйича энг оғир вази тоифасида чемпионлик сари интилаётган Руслан Чагаев эса АҚШлик Седрик Филдс билан куч синашади.

Даврон НУРМАТОВ

Тошкент шаҳар Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 2002 йилда Насиров МАГА тегишли бинога берилган №9-41/2002 йил ва ерга берилган № 7820871049 сонли, Мирзо Улуғбек тумани Сайрам кўчаси 43-ўйга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқланганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Газетанинг навбатдаги сонини 18 февралда чиқади.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

16-22 февралда

• Бугун — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Х.Хурсандов асари «Хотинимнинг уч шайдоси» («Топталган туйғу») спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

• Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Дев билан пакана» кинокомедияси соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да бошланади.

17 февралда:
• Халқлар Дўстлиги саройида россиялик танқили кўшқичи Авраам Руссонинг концерт дастури соат 19.00 да намойиш этилади.
• Республика Киночилар уйида «Амазонка ҳазинаси» (АҚШ) бадийи фильми соат 15.00, 19.00 да, «Билнинг ўлими» бадийи фильми эса 13.00, 17.00, 21.00 да бошланади.

18 февралда:
• Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Азимнинг Фафур Гулом асари

асосида «Ўтган замон хангомалари» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

• Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Қайтар дунё» спектакли соат 16.00 да бошланади.

• «Қозғоғистон» номили кинотеатрда «Қасос вақти» жангари фантастик бадийи фильм соат 11.30, 15.45 да, «Ҳақиқий севги» (АҚШ) комедия фильми эса соат 13.30, 18.00, 20.15 да бошланади.

19 февралда:
• Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Имомов асари «Сойибхўжа операцияси» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

• Ўзбекистон Ешлари театрида «Золушка» спектакли соат 11.00, 13.00 да бош-

ланади.

20 февралда:

• Гагарин номили кинотеатрда «Денгизлар ҳўжайини» (АҚШ) бадийи фильми 13.00, 15.30, 18.00, 20.30 да намойиш қилинади.

• Йўлдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида Хитой халқ эртагида асосида «Сехрли дур» спектакли соат 11.00 да бошланади.

21 февралда:

• Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида «Аида» операси соат 17.00 да намойиш этилади.

• Республика кўғирчоқ театрида «Шум бола» спектакли соат 11.00, 13.00 да бошланади.

22 февралда:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида Х.Хўшвақтов асари «Қирмизи олма» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

• Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида Шекспир асари «Отелло» спектакли соат 15.00 да бошланади.

Шахмат оламида

Шаҳзоданинг умиди

Франция қироли Людовик XII ўғли шахзода Карл Орлеанский (1391-1465) замонасининг жасур рицарларидан бири бўлибгина қолмай, номдор шoir ва моҳир шахматчи ҳам эди.

Хотини ўлгандан кейин у поэма ёзиб, унда бошига тушган жудодикни шахмат ўйинида фарзиндан ажрашга қиёс қилган эди. Лекин асарининг хотимаси кўтаринки руҳда ёзилган бўлиб, муаллиф ўқувчиларини яқин

орада тахтада янги оқ фарзин пайдо бўлишига ишонтирган.


Комбинациянинг гўзаллиги

— Гўзаллик деганда, — деб ёзган эди мутафаккирлардан бири, — ҳиссиёт ва онда одамлардаги ижод қобилиятлари қаршида ҳайрат, ифтихор ҳамда севинч туйғуси ярата олувчи кучли тасвир кўрсатадиган турлича материал, шунингдек, оҳанг, ранг сўзлар бирикмасидан иборат нарсани тушунилади.

Шахмат санъатида ҳам шундай: ажиб яхши бир партия яратилишига олиб юрувчи юриш ҳамда манёврлар уйғунлашуви бизда шахматчи даҳосидан

унинг комбинацияларини топиш қобилиятидан ҳайратланиш ва ҳаяжонланиш туйғусини пайдо қилади.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат шарҳловчиси.



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КҮРИНГ

- 1) Қоралар бошлаб галабага эришади.
- 2) Оқлар бошлаб ютади

Шабассуи

Курт адвокатиға шикоят қилди:

— Тезроқ, иложи борича тезроқ ажрашишимиз керак. Хотиним ҳозир итни ҳам ўргатяпти.

— Итни ажралишга нима алоқаси бор?

— Итни менга отган нарсаларни олиб келишга ўргатаяпти-да...

Дўхтир:

— Ҳаммасига сигарет билан ароқ айбдор!

— Хайрият, жаноб доктор, айб мендамикин деб ўйлабман.

— Сиз ажойиб мушук олиб бердим дегандигиз. Олиб берган мушунингиз сичқонларга қиё ҳам боқмайди-ю?

— Хўш, ахир бу сичқонлар учун ажойиб эмасми?

Судья:

— Нега сиз нукул кундуз кунини ўғирлик қилгансиз?

Айбланувчи:
— Кечаси кўп пул билан юришга кўрқаман-да.

Бир киши дўстига деди:

— Севгилимнинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун энг чуқур дарёда сузим, энг олис биёбонларни кездим ва энг баланд чўққиларни забт этдим.

— Хўш натижа нима бўлди?

— Билмадим, у билан ажрашдик чунки мен сираям уйда бўлмаган эканман.

Светофорнинг битта чироғи тўрт минг франк туради десам ишонасизми?

— Йўғ-е қандай қилиб?

— Руль бошқара туриб, қизил чироқда ўтиб кетсанг, кейин биласан.

Комиссар изқувардан сўради:

— Жиноятчини нега қочириб юбордингиз?

— У кинотеатрга кириб олди.

— Хўш, у ерга кирсангиз бўлмасмиди?

— Чунки мен у фильмин кўрган эдим-да...



Малайзиядан ҳўшхабар!

СКОРОМНОВ ОЛИМПИДАДА ҚАТНАШАДИ

Маълумки, ҳозир Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўқ отиш бўйича йирик нуфузли халқаро турнир — Осиё чемпионати авжи қизғин паллага кирган.

Ортимизнинг энг кучли мерганлари — Дилшод Мухторов, Энвер Османов, Вячеслав Скоромнов, Иван Шахов, Алёна Аксенова, Юлия Шахова, Сергей Харитонов қатнашаётган ушбу халқаро мусобақанинг ўзига хос ютуқли жиҳати шундаки, 1-2 ўринларни эгаллаган спортчилар шу йили Греция пойтахти Афинада ўтказиладиган ёзги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритадилар.

Ҳамшаҳримиз, халқаро тоифадаги спорт устаси Вячеслав Скоромновга мусобақаларда омад кулиб бокди. Вячеслав МВ-9 винтовкасида ётган ҳолда отиш йўналиши бўйича беллашувда

олтин ва ВП-6 винтовкасида тик турган ҳолда отиш машқида кумуш медалларни кўлга киритишга муваффақ бўлди. Спортчимизнинг кўрсатган ушбу юқори натижалари унинг олимпиадада қатнашиши учун имкон яратди. Биз олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритган ўттиз биринчи спортчимизни ушбу юксак муваффақият билан кутлар эканмиз қолган мерганларимизга ҳам турнирда омад тилаб қоламиз.

Дилмурод ИСМАТОВ СУРАТДА: Вячеслав Скоромнов машқ пайтида. Алексей Попов олган сурат.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56
Ҳажми — 2 босма тибқоб объект
усулида босилади.
5576 нускада босилади. Қўқон билими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашир эткизиб бериш масалаларини бўйича турар жойларини пошта бўлимига ёзи «Тошкент пошти»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишнииз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шорк» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона мезиниси «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.